

Мелибоев Абдуғулом,
Ўзбекистон халқаро ислом академиями магистранти

АБУЛ МУЪИН АН-НАСАФИЙНИНГ «ТАБСИРОТУЛ АДИЛЛА ФИ УСУЛИД-ДИН» АСАРИДА ЭЪТИҚОД МАСАЛАЛАРИ

Милодий IX-X ҳижрий III–IV асрларида “Илми калом”да икки мактаб пайдо бўлди. Биринчиси Басрада бўлиб, у Абул Ҳасан ал-Ашъарийга нисбати берилган “Ашъарийя мактаби”дир. Иккинчиси Мовароуннаҳрда бўлиб, у Абу Мансур ал-Мотуридийга нисбати берилган “Мотуридия мактаби” ҳисобланади. Бу икки мактаб Аҳли сунна вал жамоа мазҳабининг таркибига киради. Бу мактабларни уламолар “Аҳли сунна вал жамоа мазҳабининг икки қанотидир” деб айтишган.

Ҳар бир мактабнинг ўз кишилари бўлиб, уларнинг энг асосий мақсади – исломни ёйиш, ислом ақийдасини ақлий ва нақлий далиллар билан ҳимоя қилиш эди. Шундай кишилардан бири Абул Муъин ан-Насафий бўлиб, у Мотуридийя мактабининг энг кўзга кўринган олимларидан ҳисобланади.

Абул Муъин ан-Насафий Бухоро ва Самарқандда яшаб, самарали ижод қилган. Унинг асарларининг кўпи калом илмининг турли масалаларига бағишланган. “Ал-умда фи усулил фикҳ”, “Баҳрул калом фи илмил калом”, “Ат-тамҳид ли қоваъидит тавҳид фи илмил калом”, “Ал-олим вал мутаъаллим”, “Изоҳул ҳужжати фи кавнил ақли ҳужжатан”, “Шарҳул жомеъул кабир лиш-Шайбоний фи фуруъ” ва “Муътакидот” каби асарлари шулар жумласидандир.

Алломанинг калом илмига оид машҳур асарларидан яна бири “Табсиротул адилла фи усулиддин ала торийқил имом Абу Мансур Мотуридий” (“Дин асосларини имом Абу Мансур Мотуридий йўлига биноан далиллар билан шарҳлаш”)дир. Бу асар алломани Ашъарийя ва Мотуридийянинг Калом илми билан шуғулланувчи кишилар, таржимонлар орасида “Соҳибут табсир” ёки “Соҳибу табсиротул-адилла” номи билан машҳур қилган.

“Табсиротул-адилла” китоби улкан ақидавий комус ҳисобланади. Унда фақат Мотуридийя йўналишининг фикрлари жамланмаган. Балки унда ишончли ва жуда кўп тўғри фикрлар, ақидани ҳимоя қилиш билан шуғулланган ҳамма кишиларнинг далиллари ва ақида ҳақида ашъарийлар, мўтазилийлар, хаворижлар, калабийлар, жаҳмийлар, қадарийлар, шиалар, яҳудлар ва насороларга ўхшаш ижобий ва салбий фикрлар келтирилган.

Абул Муъин Насафий баҳслашаётган кишининг далилини тақдим қилаётган пайтда далилни ажратишни хоҳламаган. Балки у кўпинча баҳслашаётган кишининг далилини

уларнинг китобларида қандай бўлса, шундай-лигича, гоҳида сўзма-сўз нақл қилиб, гоҳида маъносини нақл қилиб келтиришни ўзига лозим тутди. Бу ишини ўзи билан кифояланмасдан далилни фикр билан ва баҳслашаётган кишининг тили билан шарҳлар эди. Аллома бу китобини ажойиб услубда ёзган бўлиб, унда мўтазилийларнинг сўзларини келтирган пайтда уни мўтазилиймикин деб, ашъарийларникини келтирганда ашъариймикин деб, хаворижларникини келтирганда хаворижмикин деб ўйлаб қоласиз. У бу гапларни муҳокама қилиб, уларнинг далилларига нисбатан, этирозларнинг ҳаммасини очиб беради ва раддия қайтаради.

Кўриниб турибдики, аллома бу асарида эътиқод масалаларига тегишли жуда кўп далилларни тўплайди. Аҳли сунна вал жамоа уламоларининг йўлларини баён қилиб, мухолиф фирқа ва мазҳабларнинг ноҳақлигини исботлайди. Асарда майда, нозик далилларни келтиришдан, иборани чўзиш ва тушунишга ҳалал берувчи қискартиришлардан юз ўгириб, ўрта йўлни ихтиёр қилади. Натижада нафақат ўз замонасида балки ҳозирги замонда ҳам бу услубда ёзилган тенги йўқ бир китоб юзага келади. Насафийнинг ушбу “Табсиротул-адилла” китоби борасида Доктор Муҳаммад Анвар Ҳомид Исо Мисрдаги ал-Азҳар университетида ўзининг докторлик диссертациясини ёқлаш учун I-катта рисола ёзган. У рисоласида бу асарнинг бир қанча нусхалари борлиги ва ҳозирда Туркия, Мисрдаги кутубхоналарда сақланаётганлигини зикр қилиб ўтади. У шундай дейди:

Абул Муъин ан-Насафийнинг “Табсиротул-адилла фи усулиддин” асарининг бир қанча нусхалари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

1. Истанбулда “Нур Усманий” кутубхонасида 2097-рақам остида сақланмоқда.

2. Истанбулдаги “Умумий” кутубхонада 3063-рақам остида сақланмоқда. Бу икки қўлёманинг тарихи ҳақида мисрлик олим док-

тор Муҳаммад Анвар Ҳомид Исо: “Бу икки қўлёмани расмий йўл ва шахсий алоқа билан билишликни истаб ўргандим, лекин ҳеч нарса топа олмадим”, – дейди.

3. Мисрнинг Искандария шаҳридаги кутубхонада 779-рақам остида сақланмоқда. Бу нусха битта бўлиб, 659 йилда ёзилган.

4. Мисрнинг Қоҳира шаҳрида “Қўлёмалар институти”да Калом илмига доир қўлёмалардаги 57-рақам остида сақланмоқда.

5. Мисрдаги “Толаъат кутубхонаси”да Калом илмига доир қўлёмаларнинг 564-рақами остида сақланмоқда. Бу нусха ҳижрий 1119 йилда ёзилган.

6. Мисрдаги “Дорул кутуб” кутубхонасида Калом илмига доир қўлёмаларнинг 42-рақами остида сақланмоқда.

7. “Ал-Азҳар” кутубхонасида 301-рақам остида сақланмоқда. Бу нусха ҳижрий 1129 йилда ёзилган.

8. Мисрдаги “Дорул кутуб” кутубхонасида бу қўлёмани иккинчи нусха мавжуд. У 10-рақам остида сақланмоқда. Бу қўлёма бир жилд бўлиб, у ҳижрий 1136 йилда ёзилган.

9. “Ал-Азҳар” кутубхонасида бу қўлёманинг иккинчи нусхаси мавжуд. У 4208-рақам остида сақланмоқда. Бу қўлёма бир жилд бўлиб, у ҳижрий 1367 йилда ёзилган.

Юқоридаги гаплардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абул Муин ан-Насафий мотуридия таълимоти вакилларининг энг ёрқин вакили бўлган. Шунинг учун ҳам улуг аждодимизнинг “Табсиротал-адилла” асари билан танишиб чиққан араб шарқшунослари уни “Мотуридия таълимотининг интерпритатори (ёритиб, асослаб берувчи)” деб ўзларининг илиқ фикрларини билдирганлар.

Абул Муин Насафийнинг илмий мероси бугунги кунда ҳам беқиёс аҳамиятга эга бўлиб, халқимиз, айниқса, ёшларимизни чин инсоний фазилатлар соҳиби этиб тарбиялаш, улар қалбига Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдириш муҳим манба бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.